

Йўл Ҳаракати Хавфсизлигини Таъминлаш Тизими Тушунчаси, Таснифи Ва Ўзига Хос Хусусиятлари

Мухаммадалиев Зухриддин Хабибулло ўғли

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ҳуқуқий ва институционал асослари, унинг таснифи ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Йўл ҳаракатида иштирок этувчи субъектлар, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, шунингдек хавфсизликни таъминлашда қўлланиладиган профилактик, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш механизмлари ёритилган. Шунингдек, миллий амалиётдаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ҳам келтирилган.

Калит сўзлар: йўл ҳаракати хавфсизлиги, тизим, тасниф, ҳуқуқий асос, профилактика, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, идоралараро ҳамкорлик.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида транспорт воситаларининг кескин кўпайиши, шаҳарлашув жараёнларининг жадаллашиши, йўл инфратузилмаларига бўлган талабнинг ортиши ва инсон омили билан боғлиқ хатарлар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини илмий асосда шакллантириш ва самарали таснифлаш заруратини кескин оширмоқда. Зеро, БМТ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича бир миллиондан зиёд инсон йўл-транспорт ҳодисалари қурбонига айланади, бу эса глобал миқёсдаги ижтимоий муаммодир.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш оддий профилактик тадбирлар мажмуи эмас, балки ўзаро боғлиқ институтлар, ҳуқуқий нормалар, назорат механизмлари, таълим, муҳандислик ва ахборот технологияларини қамраб олган мураккаб тизим сифатида шаклланиши зарур. Шу боис, унинг тузилиши ва функционал элементларини илмий жиҳатдан классификация қилиш бу соҳадаги сиёсат ва чора-тадбирларни аниқ мақсадли йўналтириш имконини беради.

Тарихий таҳлиллар шуни кўрсатадики, йўлларнинг пайдо бўлиши аввало иқтисодий фаоллик билан эмас, балки давлатнинг ҳарбий ва маъмурий эҳтиёжларини қондириш мақсадида шаклланган. Давлат учун хавфсизликни таъминлаш, ҳудудларни назорат қилиш ва стратегик нуқталарга тезкор етиб бориш имконияти – йўл инфратузилмасини барпо этишда ҳал қилувчи омил бўлган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, йўл ҳаракати қоидалари ҳам дастлаб ҳарбий интизомни таъминлаш ва ҳаракатни тартибга солишга қаратилган бўлиб, улар кейинчалик фуқаролик жамиятида умумий қоидаларга айланиб борган. Бу ҳолат йўлларнинг фақат транспорт ва логистика нуқтаи назаридан эмас, балки давлатчилик шаклланиши, ҳудудий яхлитликни сақлаш ва марказлашган бошқарувни амалга оширишдаги асосий элементлардан бири сифатида қаралиши кераклигини кўрсатади. Шу тариқа, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги замонавий тизимлар илдизлари қадимги давлат ва ҳарбий манфаатларга бориб тақалади.

И.А.Ивановнинг фикрига кўра, дастлабки давр йўллари «ҳарбий (қўшин ҳаракатланиши учун) йўллар, савдо йўллари, бошқарув йўллари (маъмурий ҳудудий бирликлар билан алоқа

ўрнатадиган, ўлжаларни ташишга мўлжалланган), иншоотларни қуришда фойдаланилган йўл, шаҳар ички йўллари каби турларга бўлинган¹.

И.А.Ивановнинг бу ёндашуви тарихий реалликни ифода этса-да, унинг ёндашуви йўлларнинг фақат инструментал мақсадларда қурилгани ҳақида бир ёқлама тасаввур уйғотиши мумкин. Аслида эса, йўллар цивилизация шаклланишининг маданий, ижтимоий ва геосиёсий омиллари билан ҳам узвий боғлиқ бўлган. Шу боис, йўлларни нафақат моддий ҳаракат воситаси, балки жамиятлар ўртасидаги маданиятлар алмашинуви, интеграция ва марказлашув жараёнларининг ҳам муҳим таркибий қисми сифатида кўриш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими масаласи – ҳуқуқшунослик, транспорт логистикаси ва давлат бошқаруви соҳалари кесишувидаги мураккаб масала ҳисобланади. Бу йўналишда бир қатор рус ва хорижий олимлар илмий доктриналар қарашлар билдиришган. Қуйида ушбу соҳадаги эътироф этилган олимлар ва уларнинг қарашларини кўриб чиқамаиз. Хусусан, В.Н.Курляндский, йўл ҳаракати хавфсизлигини давлат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида талқин қилади ва бу соҳада тизимли ёндашув зарурлигини, хавфсизлик – бу фақат профилактика эмас, балки ҳуқуқий, ташкилий, техник ва маърифий тадбирларнинг уйғунлашган механизми², эканлигини таъкидлайди.

В.Н. Курляндскийнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини давлат сиёсатининг ажралмас таркибий қисми сифатида баҳолаши — бу соҳани одатий маъмурий чора-тадбирлар доирасидан чиқариб, уни стратегик давлат мақсади даражасига олиб чиқишга уринишдир. Муаллифнинг хавфсизликни фақат профилактика эмас, балки ҳуқуқий, ташкилий, техник ва маърифий механизмлар уйғунлигида кўриш зарурлиги ҳақидаги қарашлари — комплекс ёндашувнинг зарурлигини яққол ифода этади.

Бироқ бу нуқтаи назар бўйича савол пайдо бўлиши мумкин: ушбу механизмларнинг қай бири устувор ҳисобланади? Масалан, жамиятда ҳуқуқий маданият паст бўлса, техника ва ташкилий чоралар самара бермаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан айрим тадқиқотчилар (масалан, Р. Элвик) хавфсизликни таъминлашда ҳолатга қараб динамик ва таркибий тартибланиш талаб этилишини илгари суради.

Шундай қилиб, В.Н.Курляндскийнинг ёндашуви жамловчи ва асосий йўналишларни белгилаб берса-да, реал амалиётда унинг барча элементларини бирдек самарали ишлашини таъминлаш учун мувозанатлаштирилган бошқарув концепцияси талаб этилади.

В.П.Бахаревнинг фикрига кўра, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тизимини ва унинг профилактика механизмларини ҳуқуқий тартиб, назорат, жамоатчиликни жалб қилиш ва технологияларга таянган ҳолда ташкил этишни таъкид қилади³.

В.П.Бахарев, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини самарали ташкил этиш учун уч йўналишли ёндашувни илгари суради: *ҳуқуқий механизмлар* – йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун масъулиятни белгилаш ва уни қонун доирасида татбиқ этиш, *назорат институтлари* – ички ишлар органлари, ЖДЙХБ, видеокузатувлар ва патрул хизматлари, *жамоатчилик назорати ва ҳамкорлиги* – фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаган ҳолда фаол иштирокини таъминлаш.

Бу ёндашувда, В.П.Бахаревнинг инновацион қарашлари — технологияларнинг ролини алоҳида таъкидлашдир. Дарҳақиқат, йўл ҳаракати соҳасида замонавий назорат технологиялари (АИ, рақамли таҳлил, интеллектуал тизимлар) профилактика самарадорлигини оширади.

¹ Иванов И.А. Дороги мира. История и современность / «Инфра-Инженерия», 2017. - 7 б.

² Курляндский В.Н. Правовые основы обеспечения безопасности дорожного движения. Москва: Юридическая литература. – 2006. – С. 72-79.

³ Бахарев В.П. Административно-правовые основы обеспечения безопасности дорожного движения. Москва: Юристь. – 2009. – С. 47-56.

В.П. Бахарев, В.Н. Курляндский ва Rune Elvik йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласига турлича илмий ёндашувларни илгари сурган олимлар сирасига киради. Уларнинг ҳар бири хавфсизликни таъминлаш тизимини турли нуқтаи назардан баҳолаб, унинг асосий таркибий қисмларига алоҳида эътибор қаратади.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, В.П.Бахарев модели ҳуқуқий-ижтимоий ва амалий механизмларга таянадиган ёндашув бўлса, В.Н.Курляндский хавфсизликни комплекс давлат сиёсати доирасидаги тизим сифатида қарайди. Rune Elvik эса асосий эътиборни самарадорликни аниқлашга хизмат қилувчи таҳлил воситаларига қаратади. Ушбу турли ёндашувлар хавфсизлик тизимини ҳар томонлама ёритишга, унинг мукамал моделини шакллантиришда назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

В.Д.Назаровнинг таъкидлашича, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими «транспорт муҳитидаги ижтимоий хавфсизлик» бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти — ҳаракатнинг оммавийлиги ва инсон омилининг юқори салоҳияти билан боғлиқлигини кўрсатади⁴.

Бу ёндашув йўл ҳаракати хавфсизлигини фақат техник ёки ҳуқуқий масала сифатида эмас, балки жамиятдаги умумий ижтимоий муносабатлар тизимининг таркибий қисми сифатида кўради.

В.Д.Назаровнинг фикридаги муҳим жиҳат – бу инсон омилининг ҳал қилувчи ўрнидир. Унингча, транспортдаги хавфсизликни таъминлаш нафақат қонунчилик ва техник воситаларга, балки инсонларнинг ҳуқ-атвори, маданияти ва ҳуқуқий онги даражасига ҳам бевосита боғлиқ. Шу жиҳатдан, В.Д.Назаров транспорт хавфсизлигини ижтимоий-психологик муҳит билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлигини илгари суради.

Бироқ, айрим тадқиқотчилар бу қарашни ўта умумлаштирилган деб баҳолашлари мумкин. Чунки “ижтимоий хавфсизлик” тушунчаси кенг ва нисбий бўлиб, амалиётда аниқ таҳлил қилиш ва сиёсий-ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқишда муайян ноаниқликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун В.Д.Назаровнинг ёндашуви комплекс таҳлил учун муҳим фалсафий асос бўлиши мумкин бўлса-да, уни амалий тизим сифатида ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий, техник ва ташкилотчилик воситалари билан уйғунлаштириш талаб этилади.

В.Д. Назаров йўл ҳаракати хавфсизлигини кенг ижтимоий контекстда талқин қилиб, инсон омилини ва оммавий ҳаракат муҳитини ҳал қилувчи омиллар сифатида кўрсатади. Бу қараш хавфсизликни таъминлашда социо-гуманитар ёндашувларнинг ўрнини мустаҳкамлаб, ҳуқуқий ва техник механизмларни жамиятдаги умумий маданий ва ахлоқий муҳит билан боғлаш имконини яратади.

М.А.Фоминых, “йўл-транспорт ҳодисаларига оид жиноятларнинг олдини олиш ва ҳаракатни ҳуқуқий тартибга солишда таҳлил қилиш ва таснифлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хавфсизлик тизимини динамик ҳолатда баҳолаш зарур”⁵лигини таъкидлайди.

М.А.Фоминых ўз илмий қарашларида йўл-транспорт ҳодисаларига оид жиноятларнинг олдини олиш ва ҳаракатни ҳуқуқий тартибга солишда таҳлил ва таснифлаш усуллари марказий ўринга қўяди. Унингча, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими мукамал фаолият юритиши учун уни доимий равишда динамик ҳолатда баҳолаб бориш, яъни ўзгарувчан вазиятларга тез ва аниқ мослашувчан тизим сифатида ташкил этиш талаб этилади.

М.А.Фоминыхнинг ушбу ёндашуви амалиётга йўналтирилган ва натижавий таҳлил орқали сиёсий-ҳуқуқий қарорлар қабул қилишни рағбатлантиради. У хавфсизлик соҳасидаги стратегия ва чора-тадбирларни тўғри шакллантириш учун статистик маълумотлар, жиноят таҳлили, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва уларнинг тенденцияларини мунтазам ўрганиш

⁴ Назаров В.Д. Социальные аспекты обеспечения безопасности дорожного движения. Санкт-Петербург: Наука. – 2010. – С. 102-109.

⁵ Фоминых М.А. Анализ дорожно-транспортных происшествий: правовые и организационные аспекты. Екатеринбург: УрФУ. – 2012. – С. 17-26.

зарурлигини асослайди. Бу билан у йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини статик эмас, балки реал вақтда қайта баҳоланадиган динамик тизим сифатида кўради.

Бироқ, бу назариянинг татбиқида маълум муаммолар юзага келиши мумкин. Масалан, таҳлил ва таснифлаш маълумотларининг етарли даражада тўпланмаслиги, ахборот тизимларининг ночорлиги ёки инсон ресурси етишмаслиги – мазкур ёндашувнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, таҳлил натижаларига асосланган қарорлар қабул қилиш учун тегишли институтлар ва малака даражасининг юқори бўлиши ҳам талаб этилади.

М.А.Фоминыхнинг қарашлари йўл ҳаракати хавфсизлигида илмий таҳлил, ҳолатни баҳолаш ва таснифлашнинг марказий ўрин тутишига урғу беради. Унинг фикрича, хавфсизликни таъминлаш бу бир марталик чоралар мажмуи эмас, балки доимий таҳлил ва мослашувга асосланган фаол бошқарув жараёнидир. Бу ёндашув соҳадаги тизимли ва рақамли ислохотларни амалга оширишда назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Peter R. Stopher, транспорт ва хавфсизлик муносабатларини «интеграциялашган транспорт сиёсати» сифатида баҳолаб, йўл ҳаракати хавфсизлиги нафақат жиноятчилик билан курашиш, балки шахснинг ҳаётини сақлаб қолишнинг ижтимоий кафолати ҳисобланади⁶, дея таъкидлаган.

Австралиялик тадқиқотчи Peter R. Stopher йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласига транспорт сиёсати ва ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ёндашади. У ўз тадқиқотларида хавфсизликни фақат жиноятчиликни камайтириш воситаси сифатида эмас, балки фуқаролар ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган ижтимоий кафолат сифатида баҳолайди. Унингча, хавфсизлик – бу давлат томонидан кафолатланиши лозим бўлган ижтимоий функция бўлиб, унинг амалга оширилиши интеграциялашган транспорт сиёсати орқали таъминланиши керак.

Peter R. Stopher интеграциялашган транспорт сиёсатини шакллантиришда транспорт инфратузилмаси, ҳаракатни тартибга солувчи ҳуқуқий база, фуқароларнинг ҳаракат маданияти, техник назорат воситалари ва таълим элементларини бир бутун тизим сифатида кўради. Унингча, бу элементларнинг алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда бошқарилиши хавфсизлик даражасини юқори босқичга олиб чиқиши мумкин.

Бу ёндашувнинг афзаллиги – хавфсизликка инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойиллари нуқтаи назаридан қаралишидандир. Stopher назариясида фуқаро ҳаётини сақлаш – давлатнинг стратегик вазифаси сифатида намоён бўлади. Шу боис, у хавфсизликни таълим, тарғибот ва ҳуқуқий тартиб орқали жорий этиладиган мултидисциплинар сиёсат деб ҳисоблайди. Бироқ, баъзи танқидий қарашларга кўра, интеграциялашган сиёсатни амалга оширишда институционал ҳамкорлик, молиявий имкониятлар ва сиёсий ироданинг мавжудлиги ҳал қилувчи омил бўлади. Акс ҳолда, концептуал ғоялар амалий майдонда муваффақиятсиз бўлиши мумкин.

Peter R. Stopherнинг концепциясида йўл ҳаракати хавфсизлиги – бу шунчаки жиноятчиликка қарши кураш эмас, балки инсон ҳаётига нисбатан ҳурмат, ижтимоий кафолат ва давлатнинг маъсулияти сифатида талқин этилади. Унинг "интеграциялашган транспорт сиёсати" тушунчаси хавфсизликни амалий чора-тадбирлар эмас, балки комплекс давлат сиёсатининг бир қисми сифатида шакллантиришга уринишдир.

Rune Elvik эса, йўл хавфсизлигини таъминлашда статистик таҳлил ва баҳолаш усуллари ишлаб чиққан⁷ бўлиб, унинг ишлари Европа хавфсизлик стандартларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилган.

Норвегиялик машҳур тадқиқотчи Rune Elvik йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида эмпирик таҳлил ва рақамли баҳолаш усуллари илмий асосда ишлаб чиққан олимлардан бири ҳисобланади. Унинг тадқиқотлари, хусусан йўл-транспорт ҳодисаларини баҳолашда кучли

⁶ Stopher, P.R., & Stanley, J. Introduction to Transport Policy: A Public Policy View. Edward Elgar Publishing. –2014. – P. 33-39.

⁷ Elvik R. A comprehensive approach to evaluation of road safety policy. Traffic Safety Research. –2024. – P. 23-29.

статистик моделлардан фойдаланишни таклиф қилгани билан танилган ва бу ёндашув Европа хавфсизлик стандартларини ишлаб чиқишда асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Rune Elvikнинг фикрича, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими самарадорлигини баҳолаш учун турли омиллар — ҳуқуқбузарликлар сони, ўлим ва жароҳат ҳолатлари, транспорт оқими, инфратузилманинг сифати, таълим ва ахборот кампаниялари натижалари каби ишончли ва объектив маълумотлар йиғилиши зарур. У хавфсизлик сиёсати самарадорлигини аниқ рақамий кўрсаткичлар орқали баҳолашни илмий ёндашувнинг асосий мезони деб билади.

Rune Elvikнинг моделлари таҳлил, прогноз ва сиёсий қарор қабул қилиш босқичларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам унинг усуллари Европа мамлакатларида йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқариш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда кенг қўлланилади. Унинг назарияси амалиётда хавфсизлик сиёсати “қанчалик ишламоқда?” деган саволга аниқ ва фактларга асосланган жавоб топиш имконини беради.

Бироқ, айрим танқидий қарашларга кўра, статистик ёндашув ҳар доим ҳам инсон омилини, фуқароларнинг хулқ-атвори ва маданиятини тўлиқ акс эттира олмайди. Шунингдек, фақат рақамларга асосланган баҳолаш, эҳтимолий ижтимоий омилларни инобатга олмаслик хавфини туғдиради. Бундан ташқари, маълумотлар сифатини таъминлаш ва уларни реал вақтда йиғишнинг институционал мураккаблиги бу моделнинг амалиётдаги самарадорлигига таъсир қилиши мумкин.

Rune Elvikнинг илмий фаолияти йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини илмий-эмпирик асосда баҳолаш усуллари ривожлантиришга қаратилган. Унинг ишланмалари хавфсизлик сиёсатининг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқлашда объектив таҳлил воситаларини тақдим этади. Elvik модели хавфсизликни фақат профилактика эмас, балки рационал бошқариш ва стратегик таҳлил соҳаси сифатида кўради.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласига турли илмий мактаблар ва олимлар томонидан илгари сурилган назарий қарашлар унинг мураккаб, кўп қиррали ва тизимли табиатга эга эканлигини намоён этади. Хусусан, Rune Elvik, Peter R. Stopher, М.А. Фоминых ва В.Н. Курляндский сингари олимларнинг концептуал ёндашувлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги турли илмий методологияларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Умуман олганда, мазкур олимлар қарашлари хавфсизлик соҳасига ҳар томонлама ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Elvik ва Фоминых рақамли таҳлил ва ҳолат баҳолаш усуллари илгари сурса, Stopher инсон ҳаётини сақлашни бош мақсад деб билади, Курляндский эса хавфсизликни давлат сиёсати даражасида комплекс йўналиш сифатида шакллантириш тарафдори. Ушбу қарашларнинг барчаси тизимли равишда уйғунлаштирилса, замонавий йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда юқори натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини қуйидагича илмий жиҳатдан таърифлаш мумкин. *Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими* – бу инсон ҳаёти, соғлиғи ва мулкни сақлашни мақсад қилган, ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқий онги, техник ва ахборот инфратузилмаси, давлат бошқаруви институтлари ҳамда жамоатчилик назорати ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорликка асосланган, жиноятларнинг олдини олиш, хавфни баҳолаш ва мувозанатли бошқариш орқали ҳаракат муҳитини барқарор ва прогнозлаштириладиган ҳолда таъминлашга қаратилган кўп босқичли ва динамик ҳуқуқий-ижтимоий тизимдир.

Ушбу таърифда йўл ҳаракати хавфсизлигининг нафақат ҳуқуқий ва ташкилотчилик жиҳатлари, балки, инсон омили, таҳлил ва статистик баҳолаш, ижтимоий кафолат ва давлат сиёсати, жамоатчилик иштироки ва технологиялар каби илмий асосланган омиллар билан ҳам ўзаро боғлиқ ҳолда ифода этдик. Замонавий таҳдидлар, транспорт оқимининг ўсиши ва шаҳарлашув фонида мазкур тизим доимий равишда реал вақтда таҳлил қилиниши ва мослашувчан бошқарилиши талаб этилади.

Замон тараққийлашиши билан барча мамлакатларда ўзига хос йўл ҳаракати қоидалари белгиланган ҳужжатлар пайдо бўла бошлаган. Ушбу ҳужжатларда асосан чорраҳаларда ҳаракатланиш, чорраҳага яқинлашганда тезликни пасайтириш, йўлнинг мураккаб қисмларида қувиб ўтишни тақиқлаш, ҳаракат вақтида пиёдаларнинг устунлиги, махсус маросимларнинг мавқеи каби қоидалар акс эттирилган. Масалан, «император Пётр I 1683 йилда Москва шаҳрида тез, аравакашсиз ҳаракатланишни тақиқловчи, ўнг қўл қондаси бўйича ҳаракатланиш ҳақида буйруқ чиқарган»⁸.

Ҳар бир давлатда йўл ҳаракати қоидалари умумий эҳтиёжлар – ҳаракат тартибини сақлаш, тўқнашувларнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вужудга келган. Тарихий манбаларда, хусусан Пётр I давридаги буйруқлар мисолида, бу қоидалар ҳуқуқий нормалар эмас, балки бошқарувий ва ахлоқий тартиб меъёрлари сифатида шакллана бошлаганини кўришимиз мумкин.

Император Пётр I нинг 1683 йилдаги буйруғи – замонавий "ўнг қўл ҳаракатланиш қондаси"нинг илк ҳуқуқий прототиби сифатида қаралиши мумкин. Бу тарихий факт шундан далолат берадики, йўл ҳаракати қоидалари аввало қонунчилик эмас, балки давлат бошқаруви ва жамоат тартибини сақлашнинг амалий эҳтиёжидан келиб чиққан.

Қисқача айтганда, мазкур маълумот шунга ишора қиладики: бугунги кундаги юқори даражада тизимлашган йўл ҳаракати қоидалари асрлар давомида шаклланган тажриба, зарурат ва давлатчилик эволюциясининг маҳсулидир.

XIX асрда автомобилнинг яратилиши ва унинг жамият турмушига босқичма-босқич кириб келиши йўл ҳаракати соҳасида туб бурилишларга сабаб бўлди. Илгариги даврларда транспорт воситаларининг асосий қисми ҳайвонлар – от, эшак, туя ва бошқалар орқали ҳаракатланар эди. Бу ҳайвонлар табиий инстинктларига кўра хавф-хатарни ҳис қилиб, кутилмаган ҳолатларда ҳаракатни секинлаштириш, тўхташ ёки йўналишни ўзгартириш каби эҳтиёт чораларини ўз-ўзидан амалга оширган. Арава бошқарувчиси хавфни сезмаган ҳолатда ҳам ҳайвоннинг интуитив ҳаракати кўпинча бахтсиз ҳодисаларнинг олдини оларди. Аммо ўзи юрар транспорт воситаларининг пайдо бўлиши билан бу имконият йўқолди. Автомобилни бошқариш учун шунчаки ҳайдаш эмас, балки махсус билим, амалий кўникма ва муайян тажриба талаб этила бошланди. Шу билан бирга, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аниқ қоидаларни, йўл белгилари ва ишораларини жорий этиш зарурати яққол намоён бўлди.

Замонавий кўринишдаги йўл белгилари биринчи мартаба Францияда автомобилларнинг кўпайиши, йўл-транспорт ҳодисаларининг ортиши натижасида аҳоли орасида вужудга келаётган норозилик кайфиятини бостириш ва уларни хавфдан огоҳлантирувчи белгиларни ўрнатиш орқали уларни тинчлантириш мақсадида Париж кўчаларига уч хил кўринишда ўрнатилган. Улар қуйидагича бўлган: «тик нишаблик»; «хавфли бурилиш»; «нотекис йўл»⁹.

Келтирилган маълумотга кўра, замонавий йўл белгилари тизимининг илк шакли сифатида Франциядаги ушбу тажриба нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки жамиятда юзага келаётган транспорт инқилобига ҳуқуқий ва ташкилий жавоб сифатида кўрилади. Бу ҳолат шундан далолат берадики, жамиятда транспорт воситаларининг оммалашуви фақат иқтисодий ёки ижтимоий ўзгаришларни эмас, балки ҳуқуқий-меъёрий ва ахлоқий-маданий муносабатларни ҳам янгилашни талаб этади.

Парижда биринчи бўлиб ўрнатилган «тик нишаблик», «хавфли бурилиш» ва «нотекис йўл» каби белгилар айнан йўлларнинг физик хусусиятлари ва ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадини кўзлаган. Бу белгилар хавфни олдиндан англашиш, ҳаракатни мувофиқлаштириш ва фуқаролар ўртасида ишонч муҳитини яратишга хизмат қилган. Шу жиҳатдан, мазкур чоралар аҳолининг хавфсизлик бўйича ижтимоий талабини

⁸ Иванов И.А., Дороги мира. История и современность/ «Инфра-Инженерия», 2017. - 9 б.

⁹ <https://cirkul.info/article/istoriya-dorozhnykh-znakov> (мурожаат санаси 16.04.2024 й.)

қондириш, йўл ҳаракатида давлатнинг ҳуқуқий позициясини мустаҳкамлаш ва жамоатчилик фикрини барқарорлаштириш воситаси сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, йўл белгилари тизими жамият ва давлат ўртасидаги «ҳуқуқий мулоқот»нинг муҳим элементи сифатида шаклланган бўлиб, унинг илк намуналари бугунги кундаги комплекс йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимининг асосий поясига айланган.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими – бу жамиятда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкни муҳофаза қилиш, шунингдек транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солишга қаратилган комплекс ҳуқуқий, ташкилий, ахборот ва техник тадбирлар мажмуасидир. Ушбу тизимни турли илмий ва ҳуқуқий мезонлар асосида таснифлашимиз мумкин бўлиб, бу орқали унинг тузилиши, вазифалари ва амалий механизмлари янада аниқ намоён бўлади.

Биринчидан, ушбу тизимни **ҳуқуқий асослар бўйича** таснифласак, у конституциявий, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганини кўрамиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹⁰нинг 25-27, 48 ва 54-56-моддаларида ҳар бир шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонун¹¹, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси¹² ҳамда Президент фармонлари, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони¹³ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Ушбу ҳужжатлар орқали идоралараро ҳамкорлик, профилактика ишлари, назорат ва жавобгарлик тартиби аниқ белгиланган.

Иккинчидан, **ташкилий тузилиши** бўйича ушбу тизим кўп даражали институтлар фаолиятини ўз ичига олади. Марказий даражада Ички ишлар вазирлиги, хусусан ДЙХХХ хизматлари етакчи орган ҳисобланади. Бундан ташқари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари кўмитаси ҳам ушбу тизимда фаол иштирок этади. Худудий даражада эса туман ва шаҳар ИИБ ЙХХБ бўлимлари, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги хавфсизлик комиссиялари фаолият юритади. Бундан ташқари, нодавлат ташкилотлар ва жамоатчилик институтлари ҳамкор субъектлар сифатида тизимда иштирок этади.

Учинчидан, функционал йўналишларга кўра йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими профилактика, назорат, жавоб қайтариш ва инфратузилмавий чора-тадбирларга бўлинади. Профилактика соҳасида аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, болаларга автоҳавфсизлик сабоқларини бериш, жамоатчилик билан ишлаш тадбирлари ўтказилади. Назорат ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш вазифалари видеокузатув ва интеллектуал радар тизимлари орқали амалга оширилади. Ҳодисаларга жавоб қайтаришда эса тез ёрдам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва тиббиёт муассасалари биргаликда фаолият юритади. Шунингдек, транспорт инфратузилмасини яхшилаш, йўл белгилари ва чароғонликни такомиллаштириш ҳам тизимнинг муҳим вазифаларидандир.

Тўртинчидан, ахборот ва рақамли технологиялар соҳасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими интеллектуал транспорт тизимлари билан бойитилмоқда. Бу тизимлар автоматлаштирилган мониторинг, "ақлли" светофорлар, пиёдаларга оид мобил иловалар ва онлайн маълумот платформаларини ўз ичига олади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон // <https://lex.uz/docs/6445145>.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 19.01.2024 йилдаги ЎРҚ-900-сон “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/docs/6764454>.

¹² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664>.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон. <https://lex.uz/docs/5749291>.

тўғрисидаги маълумотларни автоматик тарзда аниқлаш, баённома тузиш ва фуқароларга ахборот етказиш жараёнларида рақамли воситалар кенг қўлланилмоқда.

Бу, давлат ва жамиятнинг ўзаро интеграциялашган, ҳуқуқий асосга таянган, технология билан жиҳозланган ва фуқаролар манфаатини биринчи ўринга қўйувчи тизимдир. Ушбу тизимнинг самарадорлиги ҳар бир унсурнинг узвий ҳамкорлиги, мувофиқлашган ҳаракати ва натижага йўналтирилган фаолиятига боғлиқ.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг мазмунмоҳияти ва ҳуқуқий таснифидан келиб чиқиб, унинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш кўрсатишимиз мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларини шартли равишда қуйидагилар мисолида кўрсатиш беришимиз мумкин.

биринчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими комплекс ва кўптармоқли характерга эга тизим ҳисобланади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – бу фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти эмас, балки транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, муҳандислик ва ахборот соҳаларидаги фаолиятларни қамраб оладиган кўптармоқли тизимдир. Бу тизим нафақат ҳуқуқий, балки техник ва профилактик механизмларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу жиҳатдан йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими интегратив ва тармоқлараро хусусиятга эга бўлиб, унинг самарадорлиги идоралараро мувофиқликка бевосита боғлиқ.

иккинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими идоралараро ҳамкорликка бевосита асосланади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш жараёни бир вақтнинг ўзиде бир нечта давлат идораларининг масъулиятини ўз ичига олади. Ички ишлар органлари, транспорт органлари, маҳаллий ҳокимиятлар, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти ва ОАВ – барчаси ушбу тизимда ҳамкор субъектлар сифатида иштирок этади. Шунинг учун ҳам мазкур тизим функционал кооперация ва координация талаб қиладиган ҳуқуқий ва ташкилий ёндашувга эга.

учинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий нормалар турли даражада жорий этилган. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқий тизими қонунлар, кодекслар, қарорлар, фармонлар, буйруқлар ва услубий йўриқномалар каби бир нечта даражадаги ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу эса унинг кўп даражали норматив-ҳуқуқий табиатини шакллантиради. Масалан, “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонун умумий нормаларни белгиласа, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс айнан ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилайди.

тўртинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш технологик жиҳатдан тез янгиланувчан соҳалардан бири ҳисобланади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими ахборот технологиялари ва интеллектуал бошқарув тизимлари билан яқин алоқада бўлиб, бу соҳада цифрлашув ва автоматлаштириш жараёнлари жуда фаол кечмоқда. Интеллектуал транспорт тизимлари (ITS), автоматик радарлар, видеокузатув ва рақамли баённома тузиш каби технологиялар тизимнинг замонавий хусусиятларидан саналади.

бешинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимида энг муҳим вазифалардан бири – йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир. Бу профилактика аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, таълим муассасаларида автоҳавфсизлик машғулоти ўтказиш, оммавий ахборот орқали фуқароларни хабардор қилиш каби чора-тадбирлар орқали амалга оширилади. Шу жиҳатдан йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими фақат жазога эмас, балки хабардорлик ва маърифатга асосланган профилактикага ҳам таянади.

олтинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими жамиятнинг барча қатламларига таъсир қилувчи оммавий хусусиятга эгадир. Йўл ҳаракати хавфсизлиги фақат ҳайдовчилар ёки пиёдаларгагина эмас, балки транспорт воситаларидан фойдаланувчи барча фуқароларга, бизнес субъектларига ва давлат ташкилотларига таъсир қилувчи оммавий жамият феномени ҳисобланади. Бу ҳолат ушбу тизимни универсал ижтимоий аҳамиятга эга тизим сифатида тавсифлашга асос бўлади.

еттинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида жуда кўплаб “кўзга кўринмас” омиллар – инсон психологияси, хавфни англаш қобилияти, оммавий хулқ-атвор, тезлик ҳисси, реакция вақти каби физиологик ва ижтимоий механизмлар ҳам мавжуд. Уларнинг ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солиниши ушбу тизимда ноанъанавий ёндашувлар талаб этилишини англатади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими жуда кўп жиҳатдан ноёб ва ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг ҳуқуқий, ташкилий ва технологик асослари замонавий талабларга мувофиқ равишда такомиллаштирилиши зарур. Бу тизимда фақат ҳуқуқий таъсир чоралари эмас, балки таълим, профилактика, технология ва фуқаролик жамиятининг фаол иштирокини ҳам таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими жамиятда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкани муҳофаза қилиш, шунингдек транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солишга қаратилган комплекс, кўп даражали, динамик ва интеграциялашган тизимдир. У нафақат ҳуқуқий-меърий заминга, балки инсон омили, таълим, психология, муҳандислик ва рақамли технологиялар каби турли соҳалардаги назарий ва амалий асосларга таянади. Тарихий эволюцияси ва замонавий халқаро илмий ёндашувлар бу тизимни фақат маъмурий ёки техник жараён эмас, балки ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида қараш зарурлигини кўрсатади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими тушунчаси, таснифи ва ўзига хос хусусиятлари мазмундан келиб чиқиб, қуйидаги илмий назарий хулоса, таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими – бу инсон ҳаёти, соғлиғи ва мулкани сақлашни мақсад қилган, ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқий онги, техник ва ахборот инфратузилмаси, давлат бошқаруви институтлари ҳамда жамоатчилик назорати ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорликка асосланган, жиноятларнинг олдини олиш, хавфни баҳолаш ва мувозанатли бошқариш орқали ҳаракат муҳитини барқарор ва прогнозлаштириладиган ҳолда таъминлашга қаратилган кўп босқичли ва динамик ҳуқуқий-ижтимоий тизимдир.

иккинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини қуйидаги илмий ва ҳуқуқий мезонлар асосида таснифлашимиз мумкин:

- ҳуқуқий асослар бўйича;
- ташкилий тузилиши бўйича;
- функционал йўналишларига кўра;
- ахборот ва рақамли технологияларни соҳада қўллашга кўра;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини фақат ҳуқуқий ва назорат функциялари билан эмас, балки таълим, ахборот, маърифат ва технологиялар билан уйғунлашган ҳолда ривожлантириш.

учинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими комплекс ва кўптармоқли характерга эга тизим ҳисобланади;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими идоралараро ҳамкорликка бевосита асосланади;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий нормалар турли даражада жорий этилади;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш технологик жиҳатдан тез янгиланувчан соҳалардан бири ҳисобланади;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимида энг муҳим вазифалардан бири – йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими жамиятнинг барча қатламларига таъсир қилувчи оммавий хусусиятга эгадир;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида жуда кўплаб “кўзга кўринмас” омиллар – инсон психологияси, хавфни англаш қобилияти, оммавий хулқ-атвор, тезлик ҳисси, реакция вақти каби физиологик ва ижтимоий механизмлар ҳам мавжуд;

тўртинчидан, хавфсизлик соҳасини фақат бир идора ёки давлат органи эмас, балки идоралараро ҳамкорликда бошқаришни таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарур. Масалан, ИИБ, ФВВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро ҳаракат алгоритмларини белгилаб берадиган **ягона координациялашган ҳуқуқий механизм** ишлаб чиқилиши керак. Бу орқали тизимнинг вазифалари тақсимланади, масъулият аниқланади ва таъсирчанлик ошади.

бешинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини самарали бошқаришда инсон омилнинг ҳал қилувчи аҳамиятини эътироф этиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, айниқса ёшлар ва болалар ўртасида автоҳавфсизлик бўйича таълим дастурларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу борада ОАВ, таълим муассасалари ва интернет тарғиботи орқали интерактив ўқув курсларини кенг жорий этиш тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими - инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган, ҳуқуқий, ташкилий, ахборот ва техник чоратadbирлардан иборат комплекс тизим бўлиб, унинг самарадорлиги идоралараро ҳамкорлик, ҳуқуқий асослар, замонавий технологиялар ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятига таянади.